

Хар бир ватанпарвар киши ўз юртига бўлган меҳр-мухаббатининг рамзи сифати, бу юртнинг тарихини ўрганади. Кўлидан келганлар эса, ушбу ўзи ўрганган нарсаларни келажак авлодларга ҳам қолдиришни ўйлайди, бунинг учун ҳаракат қилади. Шундай уринишлардан бири Саййид Абдулмўмин ибн Саййид Акрамнинг “Турон тарихига ёгдулар” номли китобидир.

Китобнинг муаллифи Бухорода болшевиклар инкилобига ҳукмдор бўлган мангит хонлари сулоласидандир. У кишининг отаси Саййид Акрамхон Музаффархон ўгли Бухоронинг охириги амири Саййид Олимхоннинг амакиваччасидир. Саййид Абдулмўмин ибн Саййид Акрамхон 1318 х. санада отаси ҳоким бўлиб турган Гузор вилоятида таваллуд топган. Ёшлигида мадрасани тамомлаб, сўнгра от чопиш, ўқ отиш каби ҳарбий машқларни ўрганди. Русияда коммунистлар давлат тўнтариши қилганда, камоклардан беш юз нафар австриялик асирлар қочиб, Бухоронинг шаркига келдилар. Уларнинг ичида ҳарбий муҳандислар ҳам бор эди. Ўша ернинг ҳокими бўлган Саййид Акрамхон мазкур австриялик муҳандислардан бухоролик муҳандислар билан ҳамкорликда тўп-замбарак ясашни йўлга қўйишни таклиф қилади ва бу ишга ўз ўгли Саййид Абдулмўминни бош этиб тайинлайди. Иш юришиб, тўплар тажрибадан яхши ўтади. Муҳандисларни Амир Олимхон ишга таклиф қилади. Болшевик-коммунистлар ҳужуми аввалида Саййид Абдулмўмин тоғда камалда қолган аёллар ва ёш болаларни қутқаришга бош бўлади. Коммунистлар ҳужумини тўсиш учун истехкомлар қуришда иштирок этади. Химоя чизигига етиб келган Амир Олимхон Саййид Абдулмўминга аёллар ва ёш болаларни Афғонистонга олиб ўтишни топширади. Афғонистонда бир қанча муддат яшагандан сўнг укаси Хошим билан қобуллик ҳожилар гуруҳида ҳажга боради ва ўша ерда яшаб қолади. Маккадаги Бухоро амирлиги тамонидан қилинган вақфларга нозирлик қилади. У киши яқинда Маккада вафот этди. (Аллоҳ ўз раҳматига олсин). Ўзи билан керакли ҳужжатларни тўплаб юрган Саййид Абдулмўмин юртимиз тарихи тўғрисидаги араб, форс ва турк тилларидаги китобларни қўплаб мутоала қилади. Ушбу мутоала ва уринишлари самараси ўларок араб тилида, “Азвоу алот тарихи Турон” яъни, “Турон тарихига ёгдулар” китобини ёзди. Китобни Робитатул Оламул Исломиёв нашр этган. Китоб муқаддимаси машҳур олим, Аҳмад Муҳаммад Жамол тамонидан ёзилганлиги ҳам алоҳида эътибор қасб этади.

Муаллифнинг ўзи эътироф этиб, мен тарихчи олим эмасман, аммо Турон юртининг бир фарзанди сифатида юртимнинг менда ҳаққи борлигини ҳис этганимдан, ватандошларимга ўзим тўплаган ва билган ҳақиқатларни китоб шаклида қолдирмоқни қасд қилдим, дейди. Дарҳақиқат, муаллиф тарихчи олим эмас, аммо у киши тўплаган маълумот ва келтирган гувоҳлигу далилларни ҳар қандай тарихчи ҳам қила олмайди. Бир неча тилларни билиб, уларда ўқиб-ёзиб, ҳужжатларни солиштиришга ҳамма тарихчи ҳам қодир эмас.

Менимча, Саййид Абдулмўмин раҳматуллоҳи алайҳининг ўз қўзи билан қўрган воқеаларни ҳикоя қилишлари алоҳида аҳамиятга эга. Аввало, бу шахсий гувоҳлик бўлса, қолаверса, ўша даврдаги ҳукмрон тоифанинг вакили сифатида фикр юритишлари ўзгача маъно қасб этади. Чунки бизнинг тарихимизда ва уни ўрганишда айнан ўша нарса етишмайди. Коммунистик инкилоб ва ундан кейинги воқеалар ҳозиргача фақат бир ёклама, ёлгон билан талқин этилинди. “Турон тарихига ёгдулар” китобида эса, ҳукми коммунистлар қуч билан тортиб олган тоифа вакилининг қўз қараши ифода этилади. Бу

билан, олдин факат ёлгон маълумотлар бор эди, энди юз фоиз ростини топиб олдик, деб хам айтмоқчи эмасмиз. Тарихга қайта назар солиб, уни илмий йўл билан, омонат билан халкимизга тўғри холда тақдим қилиш тарихчиларимизнинг бурчи. Ана ўша катта хажмдаги ишда эса, Саййид Абдулмўминга ўхшаш азизларимизнинг асарлари ўзининг муносиб ўрнини топади, деб ўйлаймиз.

“Турон тарихига ёгдулар” китоби факат муаллифнинг хотираларидан иборат эмас, балки кўрган, эшитган воқеаларга жуда оз жой ажратилган. Китобнинг аввалида Туроннинг қадимги тарихидан сўз кетади, унинг ҳақидаги жўгрофий маълумотлар берилади. Сўнгра Ислом давридаги тарих ҳақида, турк халқларининг Ислом учун қилган хизматлари, Турон тупроғида етишган алломалар тўғрисида маълумотлар берилади. Турон заминида ҳукм сурган давлатлар бирма-бир эсга олинади. Турк халқларининг заифлашиши ва давлатларнинг парчаланиб кетиши хам тилга олинади. Ниҳоят, рус истилосига етиб келинади. Сўнгра муаллиф ўз қабиласига мансуб мангитлар сулоласининг ҳукми ҳақида сўз юритиб, султон ва амирлар, уларнинг ҳукмдорлиги ҳақида тарихий тасансул ила маълумотлар келтиради. Ундан кейин коммунистлар босқинидан сўнг бўлиб ўтган воқеаларга тўхталади.

Советлар тўғрисидаги бобни муаллиф “Бобомиз Музаффархон давридан бошлаб Амир Олимхон давригача ўтган олтимиш уч йилни Бухоро давлати рус подшоши Александр билан тузилган шартнома асосида тинчлик ва омонликда ўтказди”, деган иборалар билан бошлайди.

Сўнгра, Ленин бошлиқ коммунистлар давлат тўнтариши қилганидан сўнг, вазият тамоман ўзгаргани, янги келганлар хам шартнома тузган бўлишларига қарамай, аҳдида турмасликлари, ёлгончи ва хиёнаткор эканликларини ҳужжат ва далиллар билан баён қилади.

“Турон тарихига ёгдулар” китоби муаллифи Саййид Абдулмўмин коммунист ҳукмдорларни, аҳдига вафоси хам йўқ, виждони хам йўқ, одамларнинг молу-мулкини тортиб олиш, уламолар, бой қишилар ва ақл заковатлиларни йўқ қилишдан бошқа мақсади йўқ қишилар, деб васф қилади. Коммунистлар сиртда Бухоро давлатига дўстликни даъво қилсалар хам, ичда алдамчиликни ва уни босиб олишни режа қиларди, дейди муаллиф.

Ҳозиргача халкимизга тақдим қилинаётган коммунистча тарихда, қизил армия Бухоро халқи талабига биноан мазлум меҳнатқашларни озод қилиш учун келганда, Амир Олимхон Афғонистонга қочиб қолди, дейилади. Аммо Саййид Абдулмўмин ўз китобларида бошқача маълумотлар беради. Кўпчиликни ушбу биз учун янгилик бўлган маълумотлардан хабардор қилиш мақсадида бир оз тафсилотларни келтириб ўтишни лозим топдик.

Саййид Абдулмўминнинг ёзишларича, 1336 х. сана жумади сони ойида Колесов бошчилигидаги қизил армия Қогонга етиб келган. Аммо амирлик қучлари уларни тўсиб, қамалга олган. Шунда Ленин ўз вақилини юбориб, Бухоронинг мустақиллигини эътироф қилган, Чор ҳукумати босиб олган ерларни қайтаришга, шунингдек, Бухорога қурол-аслаҳа, ўқ-дори ва учқичлар беришга ваъда берган. Бухорога элчи ва Тошкентдан ўн бир дона тўп хам юборган. Аммо қизиги шундаки, юборилган тўпларнинг ўқи йўқ экан. Амир Олимхон коммунистларнинг ваъдаси ёлгон экани маълум бўлганидан сўнг, қўшни давлатлардан қурол сотиб олган, аскар тўплаб машқ қилдирган.

Русия ичидаги бўҳронлар тинчигандан сўнг коммунистларнинг муомиласи ўзгарган. Улар Бухородаги элчилари орқали бекорга бўғдой ва гуруч беришни талаб қилишган.

Шунингдек, коммунист жосуслари одамларни ушлаб камашган ва бошка игволар чикариб, Бухорога хужум килишга бахона чикаришга уринганлар. Амир Олимхон эллик минг аскар тўплаб, темир йўл бўйлаб истехкомлар курган.

Шунда Ленин тезда Тошкентдан ўзининг Тиронов номли вакилини юбориб, янги найрангларни бошлаган. Амир Олимхонга шартномага амал килиш Русияънинг ички бўхронлари туфайли кечикиб колганига узр айтган. Ўзининг Бухоро билан дўстлик алокаларини давом эттириш ниятида эканлигини ва бу алокалардан кўплаб яхшилик кутаётганини айтган. Шунингдек, Бухоронинг нима талаби бўлса, бажаришга тайёр эканлигини билдириб, темир йўлдаги камалда колган кизил армияни камалдан чикаришни сўраган. Бундан сўнг икки тараф учинчи бор шартнома тузиб имзо кўйишган. Шартномага амал килиб, Амир Олимхон ўз аскарларини темир йўлдан уч мил масофага узоклаштирган, чегарачилар сонини камайтирган.

Аммо коммунистлар ўз одатларича яна навбатдаги хиёнатни килганлар. 1338 х. сана зул хижжа ойининг ўн беши, душанба куни кечаси соат ўн иккида хужум бошлаб, чегарачиларни асир олганлар, хаводан, ердан, турли куроллар билан Бухорога бостириб кирганлар. Кутилмаган бу коммунистик горатда факат кекса кишилар, аёллар ва болалардан эллик минг киши халок бўлган. Бошка талофатларнинг хисоби йўк даражада эди.

Бундан тўрт кун кейин Амир Олимхон давлат аёнлари ва йигирма беш минг аскар билан Бухородан чикиб, ўн кундан сўнг Кўргонтепага етиб боради. Сўнгра Бойсунда истехкомлар куради. Шу ерда коммунистлар билан бухороликлар орасидаги уруш олти ой давом этади. Сўнгра коммунистларга Московдан ёрдам кучлари ва янги курол-аслаха келади. Улар бухороликларга янги хужум бошладилар. Ўн кун давом этган шиддатли жанглардан сўнг бухороликларнинг ўк-дорилари тугаб колади. Амир Олимхон Афғонистон подшоси Омонуллохонга одам юбориб, пулга бўлса хам ўк-доридан ёрдам бериб туришини сўрайди. Омонуллохон эса, Амир Олимхоннинг ўзи келсин, дейди. Ўз аскарларига мулла Мухаммад Иброхимбек девонбеги ва Давлатмандбек девонбегиларни бошлик этиб тайинлаган Амир Олимхон 1339х. сана, 22 жумадус сони, чоршанба куни Жайхун дарёсидан Афғонистонга ўтади. Омонуллохон уни тантана билан кутиб олади ва ўз мехмони, деб эълон килиб, 12000 рупия ойлик тайин килади. Шундан кейин Амир Олимхон Омонуллохоннинг хоин эканлигини тушуниб этади. Омонуллохон Ленин билан тил бириктириб, уни алдаганини англайди. Ушбу хиёнат натижасида Амир Олимхон касрда камалиб колади. Унга хеч каёкка чикишга, хатто хажга боришга хам рухсат берилмайди.

Амир Олимхон Афғонистонда тутилиб колгандан сўнг хам унинг аскарлари Иброхимбек бошчилигида коммунистларга карши курашни давом этдирадилар. Хусусан, Туркиядан Анвар Пошша келиб, харбий ишлар режаси тузилиб, Бойсун, Гузор, Шеробод ва Карши каби жойлар озод килиниши катта галаба бўлди. У ерларга истехкомлар курилди. Атрофдаги шахар ва кишлокларда хам коммунистларга карши куролли кураш бошланиб, Иброхимбекдан кўмондонлар беришни сўрай бошлашди. Уларга хам ёрдам берилди. Ушбу галабалардан сўнг Иброхимбек Омонуллохонга саккиз кишилик хайат юбориб, Амир Олимхоннинг озод килинган ерларга кайтиб келишини таминлашни сўради. Аммо Омонуллохон турли бахоналар билан хайатни курук кайтарди. Амир Олимхонни яна саройда ушлаб колди.

Амир Олимхон 1943 йил, 29 апрелда 64 ёшида Кобулда вафот этди.

“Турон тарихига ёгдулар” китобида бундан бошка хам кизикарли маълумотлар кўп.

Тарихчиларимиз хохласалар, бу китобдан самарали фойдалинишлари мумкин.
Аллох таоло барчамизни тўгри йўлга бошласин.

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф